

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

RJ2283587730

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **PUDRAT SHARTNOMASI**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Asaka tumani xalq ta'limi tomonidan 02.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Asaka tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



D.A.URMANOVA

05.12.2022

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 41

«2» 12 2022 йил

Ушбу пудрат шартномаси «*Бююртмачи*» деб аталувчи «Асака туман ХТБ» унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи Рахбари в/б У.Сулаймонов, бир томондан ва «*Пудратчи*» «NORMA QURILISH KONSALTING» МЧЖ аталувчи ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари К.Шаропов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конуларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «*Бююртмачи*»нинг Асака тумани 9-мактаб биносини капитал таъмирлаш ишларини смета лойиҳасини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Бююртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қийматига асосан жорий нархларда 23 900 000 (Йигирма уч миллион тўққиз юз минг) сўми ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми бююртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта қўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган ҳан сўнг 5 банк иш кунида «*Бююртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини яъни 7 170 000 (Етти миллион бир юз етмиш минг) сўми туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тарикасида «*Пудратчи*»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун туловларнинг қолган 70 фоизи, яъни 16 730 000 (Уч олти миллион етти юз уттиз минг) сўминини «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «*Бююртмачи*» охириги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлик бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 5 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Бююртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Бююртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 5 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 5 (беш) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда «*Бююртмачи*»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «*Пудратчи*»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «*Бююртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «*Бююртмачи*»нинг ҳуқуқлари

«*Пудратчи*»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминланиш талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«*Пудратчи*»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«*Пудратчи*» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятини бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- 4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.
- 4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорда «Пудратчи» жарима тўлайди.
- 4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг ўмумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % и миқдоридан ортмаслиги керак.
- 4.5. Тўланадиган пенялар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.
- 4.6. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмагани, шартнома тузилиши эъзига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинмишига йўл қўйилмагани, таклиф этилмагани, уларни беришга ваъда қилинмагани, шунингдек, моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганини (қелажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганини) қафолатлайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.
- 6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хужалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

- 7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.
- 7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

ПУДРАТЧИ

Номи: Асака туман ХТБ

«NORMA QURILISH KONSALTING» МЧЖ

Манзили: Асака т. Карвонсарой кўчаси 8-уй

Манзили: Асака т. Соҳил бўйи 8А-уй

Тел: (74) 232-12-90

ШХВ: *401222800052247092100045018

СТПР: 200 283 141

Х/р: 2020 8000 0008 9859 6001

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
Ғазначилик бўлимига фискал ҳисоб варағи

Банк номи: Миллийбанк Асака филиали

Ғазначилик бўлими 3001 0000 1010

МЧЖ «NORMA QURILISH KONSALTING»

Манзил: Асака т. Соҳил бўйи 8А-уй

МФО: 00893

ИИҲ: 3056

Имзо: _____

У. Сулаймонов.



Имзо: _____

К. Шаропов